

Хорижий инвестициялар иштирокидаги  
«Ўзбекистон рангли металл парчалари,  
чиқиндиларини тайёрлаш ва қайта  
ишлаш заводи» акциядорлик жамияти  
акциядорлари умумий йиғилиши  
— сонли баённомаси  
201\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги  
карорига асосан  
«ТАСДИҚЛАНГАН»

**ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ИШТИРОКИДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН  
РАНГЛИ МЕТАЛЛ ПАРЧАЛАРИ, ЧИҚИНДИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ  
ВА ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ  
ИЖРОИЯ ОРГАН ТҮҒРИСИДАГИ НИЗОМИ**

## **МУНДАРИЖА**

- 1.Умумий қоидалар
- 2.Ижроия органини (сайлаш) ваколатини тугатиш тартиби
3. Ижроия органини хуқуқ ва мажбурятлари
4. Ижроия органини жавобгарлиги
- 5.Якуний қисм

## **1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Ушбу низом ижроия органини (бундан кейин матнда - Низом) Хорижий инвестициялар иштирокидаги «Ўзбекистон рангли металл парчалари, чиқиндиларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи» акциядорлик жамиятининг ижроия органини регламенти, унинг иши, ўтказилиши тартиби ва у томонидан қарорлар қабул қилинишини белгилаб беради.

1.2. Жамият Устави ва Низомга асосан жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш яккабошлиқ асосида Бош директор ваколатига киради.

1.4. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун, Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 октябрдаги № ПҚ-849 “Рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тўплаш, топшириш хамда қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарори ва Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 06 июндаги № ПҚ-425 “Рангли ва қора металлар парчалари, чиқиндилари билан ишлаш тартибини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарори бошқа меъёрий-норматив ҳужжатлар, Хорижий инвестициялар иштирокидаги «Ўзбекистон рангли металл парчалари, чиқиндиларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи» акциядорлик жамиятининг (бундан кейин матнда - жамият) Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқариш тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 2015 йил 31 декабрдаги № 9-сонли баённомасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

## **2.БОШ ДИРЕКТОРИНИ САЙЛАШ ВА ВАКОЛАТИНИ ТУГУТИШ ТАРТИБИ**

2.1. Жамиятнинг Бош директори Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда акциядорларнинг умумий йиғилишнинг қорорига биноан бир йилга сайланади.

2.2. Жамият уставига мувофиқ ёки акциядорлар умумий йиғилишининг ёхуд жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра жамият Бош директорини тайинлаш, қоида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.

2.3. Жамиятнинг Бош директорликга номзодлар жамиятга жиноий жавобгарликка тортилмаганлиги тўғрисидаги маълумотларни тақдим қилиши.

Представляя ту или иную кандидатуру на должность Генерального директора, председатель наблюдательного совета информирует об условиях

заключения договора, размерах заработной платы, вознаграждения и компенсаций за управленческую деятельность, и согласии кандидата на заключение договора, подтвержденном личным заявлением кандидата.

2.4. Бош директор лавозимиға номзод шахс Кузатув кенгаши раиси тузилаётган шартнома шартлари иш хақи, компенсаций ва мукофат пули бошқарув фаолиятига, шунингдек номзоднинг шахсий аризаси билан тасдиіланган шартномани тузиш учун номзоднинг розилиги хақида маълумот беради.

2.5. Жамиятнинг бош директорини сайлаш акциядорларнинг умумий йиғилишининг қўпчилик овози билан қабул қилинади.

2.6. Жамиятнинг бош директорлигига номзод шахс умумий йиғилишда унинг номзоди қўрилаётганда иштирок этиши мумкин.

Бош директор Кузатув кенгашининг таклифига кўра Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан тайинланади. Акциядорлик жамияти номидан Кузатув кенгашининг раиси Бош директор билан бир йил муддатга ёлланганлик ва ҳар йили уни узайтириш ёки бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш имконияти ўрнатилган меҳнат шартномасини имзолайди. Имзоланган шартномада Бош директорни ҳар йили акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгашида бизнес режани бажарилиши бўйича хисобот бериши киритилади.

2.7. Жамият Бош директори иш хақи ва рағбатлантириш жамиятнинг фаолияти самарадорлигини аниқлаш учун фойдаланиладиган баҳолаш мезонларига шартномага асосан белгиланади.

2.8. Жорий даврда Бош директор мукофотлаш миқдори бизнес-режада назарда тутилган ижро этувчи оргanni моддий рағбатлантириш пули миқдорини СИКга қўпайтириш йўли билан аниқланади. Ташкилотнинг кузатув кенгашининг қарорига биноан ижро этувчи органнинг ташкилот фаолияти натижаларини шакллантиришдаги ҳақиқий иштирокидан келиб чиқиб, мукофат пули тўланади.

2.9. Агар СИК ва уларнинг бажарилиши фоизи барча СМКнинг камида ярмида прогноздан (мақсадли қўрсаткичдан) ошса, Жамиятнинг кузатув кенгаши қарорига асосан ижро этувчи орган раҳбари ва аъзоларини мукофотлаш миқдори бизнес-режада назарда тутилган мукофотлаш миқдорига нисбатан икки баробар оширилиши мумкин.

2.10. Агар СМКнинг ҳақиқий миқдори қонунчиликда белгиланган меъёрий миқдордан паст бўлса, ташкилотнинг ваколатли бошқарув органи қарорига асосан ижро этувчи орган раҳбарига нисбатан қонунчиликка мувофиқ жавобгарлик чоралари кўрилади.

2.11. Ташкилотнинг Кузатув кенгаши қарорига асосан ижро этувчи орган фаолияти самарадорлиги қўйидагича эътироф этилади:

СИК миқдори 40 фоиздан кам бўлса — қониқарсиз;

СИК миқдори 40 фоиздан 60 (ушбу даража ҳам киради) фоизгача бўлса — паст даражада;

СИК миқдори 60 фоиздан 80 (ушбу даража ҳам киради) фоизгача бўлса — етарли даражада эмас;

СИК миқдори 80 фоиздан 90 (ушбу даража ҳам киради) фоизгача бўлса — ўртacha даражада;

СИК миқдори 90 фоиздан 100 (ушбу даража ҳам киради) фоизгача бўлса — етарли даражада;

СИК миқдори 100 фоиздан ошса — юқори даражада.

2.12. Ташкилотларда ижро этувчи орган фаолияти самарадорлигини баҳоламасдан ёки уларнинг фаолияти қониқарсиз ёки паст даражада деб эътироф этилган тақдирда устамалар белгилашга, мукофот пули ва бошқа моддий рағбатлантиришлар тўлашга йўл қўйилмайди.

2.13. Шартнома шартлари бузилган тақдирда Жамиятнинг акциядорлар умумий йиғилиш ёки Кузатув кенгаши (Уставга асосан унга ваколат берилган бўлса) Бош директор билан тузилган шартномани бекор қиласди.

2.14. Бош директори Жамият уставини қўпол тарзда бузса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган бўлса, шартнома шартлари бузган тақдирда Жамиятнинг акциядорлар умумий йиғилиш ёки Кузатув кенгаши (Уставга асосан унга ваколат берилган бўлса) Бош директор билан тузилган шартномани бекор қиласди.

2.15. Жамиятнинг акциядорлар умумий йиғилиш жамиятнинг Бош директори тузилган шартномани қўпчилик овоз билан, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳукуқига эга.

2.16. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари қўпчилик овоз билан жамиятнинг Бош директори тузилган шартномани қўпчилик овоз билан, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳукуқига эга.

2.17. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки жамият кузатув кенгаши томонидан жамият Бош директори ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, жамият Бош директорининг ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йиғилишнинг ўзида ҳал этилиши ёхуд жамият ижроия органининг раҳбари вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаган ҳолда акциядорларнинг яқин орадаги умумий йиғилишида қўриб чиқиш учун қолдирилиши мумкин. Агар жамиятнинг ижроия органини тузиш акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган бўлса, жамият ижроия органининг, ишончли бошқарувчининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган жамият кузатув кенгаши жамият ижроия органининг раҳбари вазифасини

вақтингча бажарувчи шахсни тайинлаш тўғрисида қарор қабул қиласди, шунингдек жамиятнинг ижроия органи тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиради.

### **3.ЖАМИЯТ ИЖРОИЯ ОРГАНИНИНГ ВАКОЛАТИ**

3.1. Жамият Бош директори ваколатига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

3.2. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколати жамиятнинг уставида белгиланадиган жамият Бош директори томонидан амалга оширилади. Агар жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик бошқарув томонидан амалга ошириладиган бўлса, жамият уставида бошқарув раҳбарининг ваколати ҳам белгиланган бўлиши лозим.

3.3. Бош директорининг хуқуqlари:

- Жамиятнинг номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан, унинг манфаатларини ифодалайди, жамият номидан битимлар тузади, жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлайди, штатларни тасдиқлайди, жамиятнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;
- банкларда ҳисоб рақами ва бошқа ҳисоб рақамларни очиш;
- шартнома ва битимлар, шу жумладан, меҳнат шартномаларини тузиш;
- Акциядорлик жамиятининг уставида белгиланган доираларда мулк ва пул маблагини тасарруф қилиш;
- Жамият номидан хужжатларни имзолаш;
- Ваколати доирасида жамиятни мулки ва молиявий ресурсидан фойдаланиш;
- ходимлар штатини тасдиқлаш, уни жамлаштириш.
- унинг қўл остидаги барча ишчилар учун бажарилиши шарт бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш;
- Жамиятнинг ташкилий тизимининг Низомлари ва инструкциялари тасдиқлаш;
- Жамият номидан ишончномалар бериш;
- АЖни таркибига кирувчи ташкилотларда йиғилиш вақтида овоз бериш позициясини аниқлаш;
- Жамиятнинг бизнес рискларини сугурталаш ва ижроия органнинг ваколатларини белгилаш;
- Жамият ходимларига мажбуриятлари буйича буйруқ ва топшириклар бериши;

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кезатув кенгаши ваколатидан ташкари жамиятнинг ички хужжатларини тасдиқлаш.

### 3.4.Бош директорининг мажбуриятлари:

- ўз ваколати доирасида Жамиятнинг самарали барқарор ишини таъминлаган ҳолда жорий фаолиятини бошқариш, Акциядорлар умумий йиғилиши, Кузатув кенгашининг ваколати доирасидаги ёки Бошқарув томонидан коллегиал тарзда ҳал қилинадиган масалалар бундан мустасно;

- Жамият Бош директори Жамият номидан ҳаракат қилади, бошқа ташкилот ва органлар билан ўзаро алоқаларда жамиятнинг манфаатларини ифода этади;

- Жамият акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкиллаштириш;

-Жамиятнинг ишлаб чиқариш бирликлари, цехлари ва бошқа тузилмавий бўлинмалари орасида самарали ўзаро фаолиятни таъминлаш;

- Жамиятнинг шартномавий мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш;

- Ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳанинг ривожланиши учун зарур бўлган ҳажмда даромад олинишини таъминлаш;

- Жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режаларни ишлаб чиқилишини бошқариш, уларнинг бажарилишини ташкил қилиш ва назоратга олиш;

-Жамият фаолиятида қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлаш;

-жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботларнинг керакли равишда олиб борилишини, ишончлилигини, тегишли органларга йиллик ҳамда бошқа молиявий ҳисботларнинг ўз вақтида топширилишини, ҳамда акциядорлар, кредиторлар ва бошқа маълумот олувчиларга жамият фаолиятига оид маълумотларни ўз вақтида етказилишини таъминлаш.

- Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ёки Жамиятнинг ҳар йиллик текшириш ва йиллик молия ҳисботини тасдиқлатиш учун таклиф қилинадиган аудиторлик ташкилотининг талабига кўра жамият молиявий-хўжалик фаолиятига оид ҳужжатларни тўсиқларсиз тақдим этиш;

- тегишли органларга давлат статистик ҳисботларни тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;

- Жамиятнинг тижорат сири ҳисобланган маълумот ва ахборотларнинг жамият ходимлари томонидан, уларнинг мажбуриятларига бундай ахборотни учинчи шахсларга тақдим этиш киритлмаса, дахлсиз сақланишини таъминлаш;

- хизмат ёки тијорат сири ҳисобланган маълумот ва ахборотларнинг жамият ходимлари томонидан дахлсиз сақланишини таъминлаш;
- жамият Бошқаруви мажлисларини ўтказишни ташкиллаштириш, жамият номидан хужжатларга ва Бошқарув мажлислари баённомаларига имзо қўйиш;
- жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш билан боғлиқ чоратадбирларни қўриш, жамият ходимларининг билимлари, малакаси, тажриба ва истеъдодларини энг самарали йўл билан ишга солишини таъминлаш;
- меҳнат ва технологик интизомга риоя этилишини назорат қилиш;
- жамият ходимларининг меҳнат муҳофазаси ва ижтимоий кафолатларига риоя этилишини таъминлаш;
- Бошқарув вакилларининг жамоат муҳокамаларида иштирок этишларини таъминлаш, Жамоат шартномалри ва битимлари тузилишида иш берувчи сифатида иштирок этиш, Жамоат шартномасида кўрсатилган мажбуриятларни бажариш;
- белгиланган муддатларда унинг ваколати доирасидаги масалалар бўйича акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгашига ахборот бериш;
- акциядорларнинг амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган маълумот олишдаги, акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш борасидаги, дивидендларни ҳисобланиши ва тўланиши борасидаги барча ҳуқуқларига риоя этиш;
- ички ҳужжатлар, амалдаги қонунчилик ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя қилинишини таъминлаш.

3.5. Жамиятнинг аниқ ҳуқуқ ва мажбуриятлари шартномада кўрсатилади.

3.6. Жамиятнинг Бош директори вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидағи лавозим билан биргалиқда эгаллаб туришга фақат жамият кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

#### **4. ЖАМИЯТ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

4.1. Жамиятнинг Бош директори ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутади.

4.2. Бош директори ўзининг иш фаолиятида корхона бошқарувини ташкил килиши, ишлаб чиқариш учун керак хом ашё етказиш бўйича шартнома тузиши ёки қонунчилик доирасида хизмат кўрсатиши мумкин. Агарда бошқа фаолият бўйича иш олиб борса Кузатув кенгашига хабар бериши шарт.

4.3. Жамият Бош директори жамиятда ўз фаолияти давомида харакати ва харакатсизлиги давомида зарар етказса у жамият олдида жавобгар бўлади. Етказилган зарар жамиятнинг устава ва Қонунчиликка биноан қоплаб берилади.

4.4. Жамият ёки бир фоиздан кам бўлмаган акциядор Жамиятнинг раисини устидан етказилган зарарни қоплаши учун судга мурожат қилиши мумкин.

## **5.ЯКУНИЙ ҚИСМ**

5.1. Низомга қўшимча ва ўзгатиришлар акциядорлар умумий йифилиш қарорига асосан амалга оширилади.

5.2. Низомга қўшимча ва ўзгатиришлар киритиш бўйича таклифни жамиятнинг Ижроия органинг раҳбари, Кузатув кенгаши акциядорлар умумий йифилиши киритади.

5.3. Агар ушбу Низомнинг алоҳида моддалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Жамият Низомига хилоф бўлса, бу моддалар ўз кучини йўқотади ва бу моддаларда берилган ҳолатлар бўйича ушбу Низомга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Жамият Низомига асосан амал қилиниши зарур.